



## РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТАДБИРКОРЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Турабов Улуғбек Олимжонович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси.  
Тошкент, Ўзбекистон. [u.turabov@soliq.uz](mailto:u.turabov@soliq.uz)*

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss6/a44](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a44)

### **Аннотация**

Республикада хизматлар соҳасини ривожлантириш уларга янги ёндашувларни жорий этиш орқали бозор хизматлари ҳажмини ошириш, аҳолига янги иш ўринларини яратиш имкониятлари кенгайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари Солиқ имтиёзлари иқтисодиётнинг айрим тармоқларини ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулот ва хизматлар нархларининг ошишига йўл қўймаслик, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда аҳолининг барча қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида корхоналар фойдаланаётган имтиёзлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** бюджет сиёсати, инфляция, бюджет, солиқ имтиёзлари, солиқ маъмуриятчилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ, солиқ ставкаси, преференциялар.

### **Аннотация**

Развитие сферы услуг в нашей республике является одной из важных задач увеличения объема рыночных услуг за счет внедрения новых подходов к ним, расширения возможностей по созданию новых рабочих мест для населения. Кроме того, на налоговые льготы распространяются льготы, которые предприятия используют в целях развития определенных секторов экономики, предотвращения роста цен на социально значимые товары и услуги, а также социальной поддержки местных производителей и всех слоев населения.

**Ключевые слова:** бюджетная политика, кризис, бюджет, налоговые льготы, налоговое администрирование, хозяйствующие субъекты, налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговые льготы, налоги, налоговые ставки, преференции.

### **Abstract**

The development of the service sector in our republic is one of the important tasks of increasing the volume of market services through the introduction of new approaches to them, expanding opportunities to create new jobs for the population. In addition, tax benefits are subject to benefits that enterprises use to develop certain sectors of the economy, prevent price increases for socially important goods and services, as well as social support for local producers and all segments of the population.

**Keywords:** budget policy, crisis, budget, tax benefits, tax administration, business entities, tax reporting, tax revenues, tax benefits, taxes, tax rates, preferences.

## **Кириш**

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодий сиёсатининг энг муҳим элементларидан бири – солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ юкини пасайтириш, хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятларига аралаштиришга чек қўйиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади. Солиқ тўловчилар солиқлар бўйича имтиёزلардан тегишли ҳуқуқий асослар юзага келган пайтдан эътиборан улардан фойдаланишга ёки солиқ имтиёздан фойдаланишдан воз кечишга ҳақли, бундан қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш мустасно (чунки, бу орқали, давлат айрим турдаги товарлар нархининг ошишига йўл қўймаслик мақсадини кўзлайди).

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Мавзу доирасида асосий ўрганилувчи иқтисодий категория солиқ имтиёзлари тушунчаси бўлиб, солиқ имтиёзларига нисбатан берилган таърифларга батафсил тўхталсак.

Незамайкин ва Юрзиновалар (2004) —солиқ имтиёзи – бошқа тўловчиларга нисбатан солиқ тўловчиларга солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларига солиқ қонунчилигида кўзда тутилган афзалликларнинг, жумладан, солиқ ёки йиғимини тўламаслик ёки кичикроқ ҳажмда тўлаш имкониятининг берилиши дейди.

Майбуров (2011) солиқ имтиёзларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш бўйича имтиёзлар олишга имкон берувчи имтиёзлар ҳамда улар бир нечта шаклларга ажратилади: солиқ кредити, инвестицион солиқ имтиёзи, солиқ таътили.

Милякова (2008) —солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан таққослаганда афзалликлар тақдим этиш, жумладан солиқ ёки йиғимни тўламаслик ёки уларни озроқ миқдорда тўлаш имконияти.

Рахматуллаева (2016) солиқ имтиёзига категория сифатида қуйидагича таъриф берган: —имтиёзлар - бу иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадида солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини қонун томонидан белгиланган шаклда бутунлай ёки қисман камайтиришнинг йўллари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуидир.

Завалишина (2005) Солиқ имтиёзи – деганда солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан қиёслаганда солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар берилиши, шу жумладан солиқ(йиғим) тўламаслик ёхуд кам ҳажмда тўлаш имконияти тушинилади.

Жўраев ва бошқалар (2009) солиқ имтиёзлари – солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил енгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин.

Баладина (2011) бу борада қуйидагича таъриф берган: солиқ преференцияси – давлат томонидан солиқ мажбуриятини камайтириш юзасидан айрим солиқ тўловчилар учун мажбурий тартибда, бажарилиши лозим бўлган тақдим қилинадиган устуворликлардир.

Шунинг билан, солиқ имтиёзларини тақдим этиш, уларни тизимлаштириш, уларнинг жорий қилиниши натижасида рақобат муҳитининг мурракаблашиб бориши юзасидан қатор илмий тадқиқотлар олиб бориши лозим бўлган муаммолар мавжуд.

### **Тадқиқот методологияси**

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидадан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, солиқ имтиёзларига доир маълумотлар ва уларни таҳлиллар амалга оширилиб илмий хулосалар берилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси**

Солиқ органлари томонидан, солиқ ислохотлари доирасида барча тадбиркорлик субъектларига тенг рақобат шароитини яратиш мақсадида солиқ имтиёзларини бекор қилиш, уларнинг ҳисобини юритиш ҳамда фойдаланиш жараёнини тартибга солиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳар бир солиқ имтиёзи ҳисобини юритиш ва муддатларини назорат қилиш имкониятини берувчи “Е-имтиёз” автоматлаштирилган ахборот тизими ишга туширилди, ҚҚС имтиёзлари электрон ҳисобварақ-фактураларини шакллантириш жараёнида автоматик равишда акс этиши учун 52,5 минг МХИК кодлари ҳамда онлайн-назорат касса машиналаридан фойдаланиш жараёнида акс этиши учун СТИРга солиқ имтиёзлари бириктирилди. Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилиниши билан 84 та ва кейинги йилларда яна 66 та турли солиқ имтиёзлари бекор қилинди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5185-сон Фармони билан алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш ва солиқ имтиёзлари Солиқ кодекси билан берилиши ҳамда улар индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони билан 5 та соҳага берилган индивидуал хусусиятга эга солиқ имтиёзлари барча тадбиркорлик субъектлари учун татбиқ этилиши белгиланди. Шунингдек, 35 та солиқ имтиёзи босқичма-босқич бекор қилиниши белгиланди. Жумладан, 21 таси 2022 йил 1 июлдан ва 14 таси 2023 йил 1 январдан бекор қилинади.

Бундан ташқари, 34 та ҳужжат билан берилган имтиёзларнинг муддати 2023 йил 1 январдан ўз кучини йўқотади. Жорий йилнинг ўтган 9 оyi давомида давлат бюджетига солиқлар бўйича 46 686 млрд.сўмлик тушумлар таъминланиб, шу билан бирга 96 647 та корхона томонидан 51 032,5 млрд.сўмлик имтиёзлардан (солиқ тушумларига нисбати – 34,2%) фойдаланган.



Мазкур расмда Имтиёзлардан фойдаланган корхоналарнинг қарийб 73,4 фоизи (26 346 та корхона) кичик бизнес субъектларига ва 26,6 фоизи (8 442 та корхона) йирик корхоналарга мансуб.



Шу билан бирга, 9 ой давомида мазкур йирик корхоналар томонидан фойдаланилган имтиёз суммаларига (13,1 трлн.сўм) нисбатан давлат бюджетига 2,8 баробар кўп (37 трлн.сўм) ёки давлат бюджети даромадларини 74,5 фоизи улушида солиқ тўлаган.


Шунингдек, имтиёздан фойдаланган кичик бизнес субъектлари томонидан бюджетга 2,8 трлн.сўм солиқ тўланиб (солиқ тушумларининг 6%), 2,9 трлн.сўмлик (тўланган солиқларга нисбатан 103 фоиз кўп) имтиёзлардан фойдаланилган. Мисол учун: 2022 йил 9 ойида Навоий ва Олмалиқ КМК томонидан 9,1 трлн.сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланиб, бюджетга 9,9 трлн.сўм солиқлар (жами солиқ тушумларининг 21%) тўлаб берилди.

Имтиёзлардан, 91,9 фоиз (46 918,6 млрд.сўм) Солиқ кодексига асосан, ва 8,1 фоиз (4 113,9 млрд.сўм) бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фойдаланилган.



### Қўшилган қиймат солиғи

Фойдаланилган солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг асосий қисми қўшилган қиймат солиғига тўғри келади (89,5%).



Қўшилган қиймат солиғи билвосита солиқдир, шунинг учун солиқ юки аслида охирги истеъмолчига тушади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, имтиёзлар компанияларга эмас, балки уларнинг маҳсулоти истеъмолчиларига тақдим этилади.

ҚҚС бўйича солиқ имтиёзлари ноль даражали ставка ёки айрим товарлар айланмасини солиқдан озод қилиш шаклида тақдим этилади.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларнинг жорий қилиниши, айрим турдаги якуний маҳсулот ва хизматлар нархи ошиб кетишини олди олади.

ҚҚСнинг ноль даражали ставкаси товарлар ҚҚС билан сотилишини англатади, лекин ноль ставка бўйича ҳисобланади. Шу билан бирга, солиқ тўловчи аввал тўлаган ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Бинобарин, солиқ даври охирида давлат бюджети солиқ тўловчига аввал етказиб берувчиларга тўланган ҚҚС суммасини қайтаради.

Юқорида қайд этилганидек, имтиёзларнинг асосий қисми ҳам давлат, ҳам бутун жамият учун стратегик аҳамиятга эга бўлган саноат тармоқлари: тоғ-кон саноати, фармацевтика, банк соҳаси, транспорт, тиббиёт, энергетика ва коммунал хизматларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Мисол учун, дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ҳамда реализация қилувчи корхоналар томонидан 5,9 трлн.сўмлик имтиёз суммаларидан фойдаланиши натижасида, аҳолига дори воситалари шу миқдорда арзон сотиб олиш имкониятини берган.

Ёки, корхоналар томонидан 9 ой давомида аҳолига истеъмол учун етказилган ўсимлик ёғи ва гўшт маҳсулотларига 2,2 трлн.сўм имтиёз қўлланилган.

Худди шундай, банк ва бошқа молиявий ташкилотлар томонидан ўз миқдорларига кўрсатилган хизматлари учун 11,0 трлн.сўм қўшилган қиймат солиғи ҳисобламади.



### **Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи**

Фойда солиғи бўйича имтиёзлар туризм, тиббиёт, таълим хизматлари кўрсатишнинг нодавлат секторини ривожлантириш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий даражасини ошириш, шунингдек, корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, инновацияларни қўллаб қувватлаш, экспортга йўналтирилган ва (ёки) импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишга доир инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида белгиланиши мумкин.

2022 йил январь-сентябрь ойларида 13 256 та субъект фойда солиғи бўйича 2 420,3 млрд.сўмлик имтиёздан фойдаландилар.

Жумладан, 2022 йил 9 ойлигида фаолиятини фойда билан якунлаган 395 та нодавлат таълим ташкилотлари, 582 та соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда 323 та аҳолига ахборот ва алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектлар фойдасига имтиёз қўлланган.

Бу имтиёзлар тақдим этилишидан ижтимоий самара кўзланган бўлиб, унинг натижасида аҳолига тиббиёт, таълим, алоқа ва шу каби ижтимоий хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти қўллаб-қувватланмоқда.

### **Ер солиғи**


Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари, шунингдек ижтимоий инфратузилма объектлари, спорт иншоотлари, меҳмонхоналар эгаллаган ер участкалари ер солиғини тўлашдан озод этилади.

Йил бошидан 4 952 та субъект ер солиғи бўйича 905,5 млрд.сўм имтиёзлардан фойдаланган. Ушбу солиқ бўйича имтиёзлардан энг кўп фойдаланган соҳалар: коммунал инфраструктура (сув, электр энергияси, газ ва буғ етказиб бериш, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш) объектларини сақловчилар – 121,7 млрд.сўм; стратегик аҳамиятга эга бўлган қайта ишлаш соҳаси – 104 млрд.сўм; маданият, дам олиш ва туризм субъектлари – 100,7 млрд.сўм ҳамда тиббиёт ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳалари – 42,3 млрд.сўм бўлди.

### **Мол-мулк солиғи**

Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар жорий этилишидан асосан ижтимоий ва иқтисодий самара кутилган бўлиб, ушбу имтиёз асосан кам даромадли бўлган ижтимоий объектлар бўйича ҳамда соҳалар ёки ҳудудлар ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида тақдим этилади.

Жумладан, 2022 йил январь-апрель ойларида 1 123 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш ташкилотлари 330,3 млрд.сўм, 184 та саноат зоналари – 52,5 млрд.сўм, 1 020 та таълим соҳасидаги нодавлат ташкилотлар бинолари, ҳиёбонлар, қайта тикланувчи энергия манбалари ва ижтимоий объектлар – 78,9 млрд.сўм, 1 010 та маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот объектлари - 63,4 млрд.сўм, 257 та меҳмонхоналар - 42,9 млрд.сўм ҳамда 69 та турар жой-коммунал хўжалиги ташкилотлари – 23,4 млрд.сўмлик мол-мулк солиғи имтиёзларидан фойдаланишган.



### **Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи**

Корхона ва ташкилотлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини солиқ агенти сифатида тўлаши назарда тутилганлиги боис, ушбу имтиёзлар ҳам фуқароларнинг даромадларига нисбатан қўлланилади.

Мисол учун, жорий йилда даромад солиғи бўйича тегишли имтиёзлардан фойдаланиш натижасида ҳаётни узоқ муддатли суғурталашга йўналтирилган даромадлардан 12,4 млрд.сўм, шунингдек ишчи ходимларга ҳисобланган моддий ёрдам суммаларга 10,4 млрд.сўм даромад солиғи ҳисобланмади.

Шу билан бирга, Солиқ кодексининг 378-моддаси 191-бандига асосан “E-Ijara” ААТ орқали уй-жойларини талабаларга ижарага берган, декларация асосида солиқ тўловчи 20 мингдан ортиқ фуқаролар йил бошидан ижара тўловлари доирасида олган 27,3 млрд.сўмлик даромадлари бўйича 3,3 млрд.сўм даромад солиғидан озод этилди.

### **Ижтимоий солиқ**

Ижтимоий солиқни тўламаслик ёки камроқ тўлаш имконияти корхоналар учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг кўпайишига ва иш ўринлари яратилишига олиб келади. Яъни, меҳнат ресурсларини қонунийлаштириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022 йилнинг январь-февраль ойларида 6 044 та корхона томонидан ижтимоий солиқ бўйича 121,6 млрд.сўмлик имтиёздан фойдаланган бўлса, мазкур корхоналар томонидан 71 516 та қўшимча иш ўрни яратилиб, уларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ўтган йилга нисбатан 1,2 трлн.сўмга ошган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6208-сон Фармонида асосан 2021 йил 1 майдан бошлаб 25 ёшгача бўлган 394,8 минг нафар ёшларни иш билан таъминлаган жами 14,6 мингта субъектга 95,9 млрд.сўм ижтимоий солиқ қайтарилиб, иш ўринлари яратилиши рағбатлантирилди. Йил бошидан 14,6 мингта субъектга ёш ходимлар учун тўланган 95,9 млрд.сўм ижтимоий солиқ қайтариб берилган.

### **Хулоса ва таклифлар**

Солиқ кодексини 75-моддасида назарда тутилган Солиқ имтиёзларига қўйдагиларни қўшиш мақсадга мувофиқ бўлади:

(иккинчи қисм) Солиқ имтиёзларини белгиловчи қонун ҳужжатларида солиқлар бўйича имтиёзларни қўллаш асосларини, тартиби ва шартларини назарда тутиши лозим.

(бешинчи қисмга) Солиқ имтиёзлари индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин эмас. Агар иқтисодий тармоғида фақат битта юридик шахс фаолият кўрсатаётган бўлса, унга берилган имтиёз ҳам шахсий характердаги имтиёз ҳисобланади. Яқка тартибдаги солиқ имтиёзларига доир тақим солиқ тўловчилар тоифаларини тавсиф қилганда ўша тавсиф фақат битта солиқ тўловчига тегишли бўладиган тарзда четлаб ўтиладиган бўлиши мумкин эмас.

(ўн тўртинчи қисмга) Солиқ имтиёзлари аниқ мақсадга эга бўлиши ҳамда аниқ ижтимоий, иқтисодий ва молиявий натижаларга эришишни таъминлаши зарур.

(ўн бешинчи қисмга) Имтиёзлар беришни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши шарт. Бунда экспертиза жараёнида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан истиқболли ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, имтиёзларнинг алоҳида тармоқлар, фаолият соҳалари ва ҳудудларга таъсири ва берилаётган имтиёзларнинг бюджет ва жамият учун самарадорлиги, шунингдек, уларнинг рақобат муҳитига ва тадбиркорлик фаолиятига таъсири ҳамда ушбу Кодекс талабларига мувофиқлигини баҳолаш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хулосаси олинади.

Чунки, Солиқ имтиёзларини фақат аниқ мақсадда бериш ҳамда қўллаш мақсадида солиқ имтиёзларини белгиловчи қонун ҳужжатларида солиқлар бўйича имтиёзларни қўллаш асосларини, тартиби ва аниқ шартларини белгилаш лозим. Бундан ташқари, муайян тармоқ ёки ҳудуддаги алоҳида ташкилотларга имтиёзлар, эксклюзив ҳуқуқлар аниқ мезонларсиз ҳамда уларни асословчи шаффоф механизмларсиз танлаб берилишини олдини олиш, соғлом рақобат муҳитини таъминлаш учун индивидуал солиқ имтиёзлари бериш амалиётини максимал даражада чеклаш мақсадида ушбу норма киритилмоқда. Шунингдек, солиқ имтиёзлари

таҳлил қилинганда ушбу имтиёزلардан фойдаланиш ҳамда амалиётда қўллашда бир қатор хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Солиқ имтиёзларини, шу жумладан махфийлик белгиси остида бериладиган солиқ имтиёзларини ҳисобга олиш ва маъмуриятчилиги бўйича “E-имтиёз” ахборот-таҳлилий тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, ҳамда унинг қўлланилишини электрон ҳисобварақ-фактураларда, ҳисоботларда ва бошқа электрон маҳсулотлар ва хизматларда акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. 2021 йил 20 август. – <https://president.uz/uz/lists/view/4551>

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёт уйи 2020.- 640 б.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси маълумотлари. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz).

4. Маъруза (2020) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси// Тошкент. 2020 йил, 26 март.

5. Александров И. М. (2009) Налоги и налогообложение: Учебник / И. М. Александров. — 10-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательско- торговая корпорация «Дашков и К, 228 с.

6. Жўраев А., Тошматов Ш., Абдурахмонов О. (2009) Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. Т.: NORMA. 184- бет.

7. Баладина А.С. (2011) Анализ теоретических аспектов налоговых льгот и налоговых преференций // Вестник Томского государственного университета- №4(16)- С. 45-60.

8. Рахматуллаева Ф. (2016) —Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва иқтисодиётни рағбатлантиришдаги роли. Молия илмий журнали №2/ 108 бет.

9. Незамайкин В.Н., Юрзинова И.Л. (2004) Налогообложение юридических и физических лиц. —М.: Экзамен, С.44.

10. Майбуров И.А. (2011) Налоги и налогообложение . Ред. 4-е изд. - М: 558 с.

11. Милькова Н.В. (2008) Налоги и налогообложение. Учебник. 7-е изд. Перераб. И доп.—М.:ИНФРА, С.33 Milyakova N.V.